

ИККИ ҚИЗАЛОҚ

Гули ишга ҳар доимгидек барвақт келди, лекин сира ишга қўли бормади. Телефон қўнғироқларига ҳам жавоб бермади. Унинг юраги нимагадир безовта, нимагадир қаттиқ-қаттиқ ураяпти. Нимага? Буни ўзи ҳам билмайди.

У бироз хонада у ёқ-бу ёққа бориб-келиб юрди-да, кейин деразани ланг очиб юборди. Хонага урилган салқин ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олди. Заррин нурларини сочаётган куз қуёшига, шамолда қарсак чалиб куйлаётган ранг-баранг терак баргларига боқаркан, баҳри-дили очилгандек бўлди. Шу пайт кўзи йўлакда ирғишлаб келаётган иккита қизалоққа тушди. Қизалоқлар қўлларидаги саралаб терилган бир-биридан чиройли, ранг-баранг баргларни силкитишар, қўлларини баланд кўтариб сакрашарди. Гули ҳавас билан уларга қараб тураркан, ирғишлаб келаётган қизалоқлардан бири ногаҳон қоқилиб йиқилди. Қўлидаги барглари сочилиб кетди. Иккинчи қизалоқ дугонасининг йиқилганини кўриб, қўлидан тутиб туришга ёрдамлашди. Сочилиб кетган баргларини териб берди. Оғриқдан йиғлашга тайёр турган дугонасига ачиниб, қўлидаги баргларидан биттасини унга узатди. Дугонаси гоҳ қизалоқ узатиб турган баргга, гоҳ ўзининг қўлидаги баргларга қараб турди-да, унинг қўлидаги баргларнинг ҳаммасини юлқиб олиб, ўзини итариб юборди. Ногаҳоний турткидан қизалоқ гандираклаб кетиб, чалқанчасига йиқилди. Дугонаси унга қарамади. Қўлидаги баргларни силкитганича чопиб кетди. Қизалоқ турди. Уст-бошини қокди. Дугонасининг орқасидан бир пас алам билан қараб турди-да, бошини куйи эгганча қарама-қарши тарафга қараб кетди.

Гулининг ҳозиргина завқ оқиб кирган кўнгли худди йўлакдек бўм-бўш бўлиб қолди. У яна бироз ҳозиргина қизалоқларнинг қий-чуви билан тўлган йўлакка боқиб турди-да, деразани ёпди. Истар-истамас иш столига бориб ўтириб, кўзойнагини тақди-да, иш режалари ёзилган дафтарга кўз югуртирди. Аммо эшик тақиллашидан яна бошини кўтарди.

— Киринг.

Эшик қия очилиб котиба қизнинг боши кўринди.

— Кечирасиз, Гули Аҳмедовна, сизни бир аёл сўраб келибди.

— Майли, кирсин.

Гули қошларини кериб, кўзойнагини олди. Хонага гулдор рўмол ўраган, оқ юзли, тўладан келган аёл кирди. Аёлни кўриб Гулининг юраги нимагадир “жиз” этди. Ўрнидан туриб аёл томонга қараб юрди.

— Ассалому алайкум, опа, келинг.

Аёл турган жойидан жилмади.

— Танимадингми, Гули?

Гули тўхтади. Аёлга яхшилаб разм солди. “Таниш чехра, таниш овоз, ким бўлдийкин бу аёл”, хаёлидан ўтказди у. Аёл у томонга бир қадам босди.

— Ёшликдаги дугонангни унутиб юбордингми?

Гули сесканди.

— Адол?! — деди пичирлаб. Унинг бу пичирлаши ўзига худди бақириб юборгандек туюлди.

“Наҳот, бу Адолат бўлса?!”

Бу савол унинг миясига яшиндек урилди, қачонлардир юрагига тушган ярани тирнаб юборгандек бўлди. Гули бир пас нима қиларини билмай довдираб қолди, аммо дарров ўзини тутиб олди.

— Кел, Адолат, яхшимисан, — у аёлга пешвоз чиқиб, илиқ саломлашди.

— Кел, ўтир.

Гули ўзини ноқулай сезар, юзкўрмас бўлиб кетган дугонаси шунча йилдан кейин уни йўқлаб келганига гоҳ қувонса, гоҳ ҳайрон бўларди. У бориб котибага чой обкелишни тайинлади-да, келиб аёлнинг рўпарасига ўтирди.

— Яхши келдингми, Адолат, қийналмадингми?

— Яхши.

Аёлнинг овози билинар-билинемас чиқди.

— Қишлоқ тинчми, бизникилар соғми?

— Шукр, тинч юришибди ҳаммаси.

Адолат унга қарамас, ерга қараб жавоб берар, ҳадеб қўлидаги рўмолчасини ғижимларди. Орага жимлик чўкди. Бу жимликни чой кўтариб кирган котиба бузди. У чойнак билан пиёла солинган баркашни столга кўяркан, “Марҳамат”, деди.

Гули ўз ҳаяжонини яшириш учун қизга ёрдамлашаркан:

— Раҳмат, агар мени сўрашса банд денг, хўпми, — деди. Котиба “хўп бўлади”, деган маънода бош ирғади-ю, чиқиб кетди. Гули чойни яхшилаб қайтарди. Иккита пиёлага қуйиб, биттасини Адолатга узатди.

Ўртадаги ноқулайликни кўтариш мақсадида жилмайиб гап бошлади.

— Болаларинг нечта, Адолат, катта бўб қолишгандир-а.

Адолат чой хўпларкан:

— Учта, бир қиз, икки ўғил, — деди.

— Азамат яхши юрибдими, ҳалиям савдо билан шуғулланыпсизларми?

Адолатнинг юзи оқарди, пиёла ушлаган қўли титраб кетди. Гули ундаги ўзгаришни пайқади.

— Нима бўлди сенга, Адолат, тобинг қочдими?

— Йўқ, Гули... Азамат акам қамалиб қолди.

Унинг кўзлари ёшланди.

— Қанақасига қамалади, нима учун? — деди Гули ҳайрон бўлиб.

— Уйга сотиш учун мол олиб келаётган экан, орасидан дори топишибди.

— Қанақа дори?

— Қанақа бўларди. Қорадори.

Адолат бурнини тортиб, гапида давом этди.

— Энди камида ўн беш йилга кесишаркан.

Унинг ёш тўлган кўзлари Гулига жовдираб боқди.

— Гули, илтимос, менга ёрдам бер. Азамат акамни чиқариб олишга ёрдам бер. Сенинг таниш-билишларинг кўп, гаплашгин қанча дейишса бераман, фақат Азамат акам чиқса бўлди!

Адолат тез-тез гапирар, борган сари жазавага тушарди. Суҳбатни бундай тус олишини кутмаган Гули шошиб қолди.

— Тўхта, Адолат ўзингни бос. Чойдан хўплагин, бироз ўзингга келасан.

Адолат чой хўплади, кўз ёшини артди. Тинчланганини кўрган Гули:

— Энди бир бошдан тушунтир. Азамат дори билан шуғулланармиди? — деди.

— Йўқ...Тўғриси, билмадим.

У нигоҳини ерга қадади.

— Адолат, нима десам экан, бўлар иш бўлибди. Энди Азаматга ёрдам беришнинг чорасини топиш керак.

— Ҳа, бирон чорасини топ, танишларинг билан гаплаш, қанча дейишса бераман, — деди Адолат ялинчоқ товушда.

— Қанақа таниш, Адолат, нималар деяпсан. Мен адвокат топишни назарда тутаяпман.

— Лекин сенинг эринг прокуратурада ишлайди-ку?

Гули жим бўб қолди, бироздан кейин:

— Тушун, Адолат, бу ишга ички ишлар ходимлари, билмадим яна қанча одам аралашган, ҳаммасининг оғзини ёпиб чиқолмайсан-ку. Бундан ташқари мен бунга хўжайинимга айтолмайман, чунки у кўнмайди, мен уни яхши биламан... Лекин сен хафа бўлма. Ўзим сенга яхши бир адвокат топиб бераман. Чиқариб ололмасаям, ҳарна муддатини камайтирар, — деди босиқлик билан. Адолатнинг жовдираб турган кўзлари бирданига ғазабга тўлди.

— Адвокатмиш, — деди кинояли оҳангда. — Ўзим ҳам топаман ўша адвокатни, ёрдам бергинг келмаётган экан, ёрдам бермайман деб қўяқол. Аслида ўзим аҳмоқман, аҳмоқ бўлмасам келиб-келиб сенинг олдингга келармидим!

Гули бундай муомаладан эс-хушини йиғиб олгунча, Адолат эшик ёнига бориб қолганди. У тўхтаб ўтирилди, юзида кинояли табассум жилва қилди. Жилмаяркан ғазаб тўла юзлари бужмайиб кетди. У шу алфозда Гулига бир пас қараб турди-да, шахд билан эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Гули унинг орқасидан чиқишнйам, чиқмасликнйам билмай, ўтириб қолди.

“Нега шундай бўлди-я”, деди ўзига-ўзи афсус чекиб. У ҳозиргина дугонаси чиқиб кетган эшикка тикилиб ўтирар экан, хаёллар уни ўз бағрига торта бошлаганди.

Гули ҳамма нарсадан дўстликни устун қўярди. Дўстлик ҳақида таълимот унинг қон-қонига шундай сингиб кетган эдики, у дўстликдан бошқасини тан олмасди. У энг яқин дўстим деб Адолатни билар, уни ўзига яқин олар, ҳеч кимга, ҳатто онасига айтмаган сирларини унга айтарди. Адолатни шундай яхши кўрардики, аразлашиб қолсалар, ҳеч кимга эгмайдиган мағрур бошини ҳам қилиб, биринчи бўлиб ўзи ярашгани борарди. Лекин охирги аразлашув унинг нафсониятига қаттиқ тегди. Дугонасини кўргиси келсаям ўзини тийди. Шу орада Адолатни йигитга фотиҳа қилинганлигини эшитиб суюнди. Тўйга бирон арзигулик совға олишни режалаштирди. Адолатни қутлаб бормоқчи эди-ю, яна шаштидан қайтди. Бир тарафда иззат-нафс, бир тарафда араз. Шундай бўлса-да уни кўча-кўйда учратарман деган илинжда ҳар нарсани баҳоналаб кўчага тез-тез чиқадиган бўлди. Бир куни шундай баҳоналардан бири дўкон бўлди.

Куёш уфққа ёнбошлаб охирги нурларни ҳам йиғиштириб олган. Оқшом ғира-шира пардасини ёяётган пайт эди. Уйидан чиқиб муюлишдан айланаётган Гули Адолатга дуч келди.

— Яхшимисан, — деди Гули саломлашгани қўл чўзиб. Адолат қўлини узатди-ю, лекин индамади. Гули яхши тус бериш учун жилмайди.

— Тўй қачон?

— Бўлар.

Адолат Гулига эмас, бошқа тарафга қараб гапирди.

Гули суҳбатга ҳарчанд яхши тус беришга уринмасин, у пинагини бузмас, беписанд муомала қиларди.

Аслида Адолат ўзи фотиҳа қилинган ўша йигит билан танишиб олгандан кейин беписанд бўлиб қолганди. Йигитнинг оиласи ўзига анчагина тўқ, топармон-тутармон оила бўлиб, тижорат билан шуғулланишарди. Адолат шундай оилага келин бўлиб тушишидан ғурурланар, буни ошкора айтмасаям,

кибр билан сўзлашларидан сезилиб турарди. Гули билан охирги аразлашувга ҳам унинг баланддан келиб гапириши, кўпчилик орасида ҳазил аралаш камситиши сабаб бўлганди.

— Майли, мен кетдим, қиладиган ишларим кўп. Адолат кетишга шайланар экан. Гули буни “сендайлар билан гаплашиб туришга вақтим йўқ” тарзида тушунди.

— Тўхта, ҳаммасини рўйи-рост гаплашиб олайлик. Сенга нима бўлаяпти?

— Ҳеч нарса бўлаётгани йўқ, — деди зарда билан Адолат.

— Йўқ, сен гапнинг очиғини айт.

— Гапнинг очиғи керакми, гапнинг очиғи шу пайтгача дугона эдик, бундан кейин орамиз очик. Тушундингми? Менинг сендай дугонам йўқ.

У Гулининг кўзига тик қараб, шундай ғазаб билан гапирдики, дугонасидан бундай муомалани кутмаган Гули эсанкираб қолди.

— Шуни истаётган экансан, майли. Фақат қаерда бўлсанг ҳам, мендай суянчиғинг борлигини унутма.

— Менга сендай суянчиқнинг кераги йўқ.

— Балки...

— Ҳеч қачон ёнингга бормаيمان.

Гулини гапиришга қўймади у.

— Ўзинг биласан, бахтли бўл.

Гули ўгирилиб кетаркан, орқасидан дугонасининг “айтмасанг ҳам ўзим биламан”, — деб қичқирганини эшитди. Бўғзига нимадир тиқилди, бақириб юбормаслик учун лабларини қаттиқ тишлади. Юзидан думалай бошлаган кўз ёшларини артаркан қоронғида уриниб-суриниб қаёққа кетаётганини идрок этолмас, уйдан нима учун чиққанини ҳам унутиб қўйганди. У фақат бир нарсани, ҳаммаси туш бўлиб қолишини, уйғониб кетиб тонгги қуёш нурларини кўришни истарди.

Кунлар ўтди. Гули ногаҳон зарба еган кишидай гангиб юрди. Адолат эшикдан кириб келадигандай туюлар, келиб “ҳазиллашдим, дугонажон”, дейишини кутарди. Лекин кутганидек Адолат келмади.

Йиллар ўтди. Тақдир Гулини шаҳарга етаклади. У аҳён-аҳёнда Адолатни эслаб кўяр, юрак доғлари кетмаган, кўнгил яралари битмаган бўлсаям уни кўргиси келарди. Лекин ҳеч қачон бир куни келиб, уни йўқлаб келади, деб ўйламаганди. Бугун у келди, келди-ю қачонлардир берган сўзини эслатиб кетди. Энди сўзининг устидан чиқиши, Азаматни қамокдан чиқариб олиши керак. Лекин қандай қилиб камида ўн беш йилга камалган одамни чиқариб олади. Гулининг юраги сиқилди. Худди ичидаги дардлари шу билан чиқиб кетадигандек чуқур уҳ тортаркан, “дадасига айтаман, зора, бирон чорасини топса, ҳеч бўлмаганда яхши бир адвокат топиб берар”, деб хаёлидан ўтказди. Энди у турмуш ўртоғига бу ҳақда қандай айтишни ўйларкан, нафаси қайтиб, томоғи қуруқшади. Совуб қолган чойдан ҳўплади-да, кўзларини юмди. У энди Адолат ҳақида эмас, боягина йўлакчада кўрган қизалоқлар ҳақида ўйларди.